



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 12 февраль, № 29 (4439)

Сешанба

2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қайд этилдики, 2007 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиги таъминланди. Иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 9,5 фоизга ўсди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 12,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича — 6,1 фоизни, қурилиш ишлари бўйича — 15,7 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича — 21,0 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича — 20,6 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичдан ошмади.

Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар натижасида фермер хўжалиқлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига айланди. Қишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгидан барпо этилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосида олиб борилди, тармоқни бошқариш тамойиллари ва тизими ўзгармоқда.

Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган жиҳдий таркибий ўзгаришлар ташкилоти алоқалар кўрсаткичларида аниқ акс этди. Экспорт ҳажми ўсишнинг юқори суръатлари (40,7 фоиз) ҳисобига тўлов балансининг барқарорлиги ва мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг сезиларли даражада ўсиши таъминланди. Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улуши 38 фоиздан ортқ бўлди. Мамлакатнинг ташқи қарзлари ҳажми ва унга йиллик жорий хизмат кўрсатиш даражаси энг паст кўрсаткичларга эга.

Иқтисодиётга инвестиция қўйиш умумий ҳажми 2007 йилда 23 фоизга

ўсди. Инвестицияларнинг 70 фоиздан ортқи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, шу жумладан 50 фоизга яқини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга йўналтирилди. Бунда ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 58 фоиздан ортқ ўсгани ҳолда 1 млрд. доллардан ортқ бўлди. Уларнинг қарийб 76 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш, солиқ юқини ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ишлари давом эттирилди. Давлат мулкни давлат сарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди.

Банк-молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламлигини кенгайтириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини, капиталлашув даражасини янада ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш имконини берди. Ўтган йилда тижорат банкларининг устав сармоясига қарийб 2 баравар ўсди.

Аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш муаммоларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ва изчил ҳал этилмоқда. Ўтган йилда қўшимча равишда 630 мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ хўжалиқларида, ўртача ойлик реал иш ҳақи 47,2 фоизга кўпайди ва 2007 йил декабрь ойида 210 АҚШ долларини эквивалентига тенг миқдорни ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти тизимлари ва ижтимоий инфратузилмани бошқаришни тақомиллаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес соҳасини, савдо тармоқини ва умуман инфратузилмани ривожлантиришга, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга эътиборнинг етарли эмаслиги оқибати-

да бир қатор маҳаллий бюджетларнинг, энг аввало, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларида ва кўпгина қишлоқ туманларида дотация олиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари кескинлигини қолмоқда, бозор инфратузилмаси, аудиторлик, суғурта, лизинг фаолияти, айниқса, қишлоқ жойларда ҳали ҳам етарлича ривожланмапти.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизи шўрланган даражаси ва сизот сувлар сатҳи юқори бўлган мелиоратив ҳолати ёмон ерлардир. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ва бошқа бир қатор вилоятларда вазият ўта мураккаблигича қолмоқда.

2. Қуйидагилар 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгиланди:

макроиқтисодий барқарорлиқни, иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор ва мувозанатлашган суръатларини таъминлаш, жалб қилинадиган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгиланиш давом эттириш;

ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини ва касаначилиқни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚ МАНФААТИ – ОЛИЙ МАҚСАД



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастуриларининг фаол амалга оширилиши ўз самарасини бераёттир. Бунинг "Файз" холдинг компанияси фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маъмур компания мебель ва бошқа уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ҳамдўстлик давлатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айниқса, кейинги йилларда компания таркибдаги корхоналарнинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришга энг сўнги русумдаги технологияларнинг жалб этилиши ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, 2007 йилда республикамиз мебель-созлар томонидан ички бозорга жами 57 млрд. сўмлик турли истеъмол моллари етказиб берил-

ган бўлса, унинг 13,5 млрд. сўмликдан зиёди компаниянинг ақциядорлик жамиятлари ва корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръати эса 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 179,1 фоизни ташкил этди.

Компанияда корхоналарга хорижий, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган 26 та субъектнинг 10 таси Германия, Венгрия, Малайзия, Бирлашган Араб Амир-

лиқари, Италия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг ишбилармонлари билан ташкил этилган қўшма корхоналар эканлиги шундан далилат беради. Уларнинг ички бозорни сифатли, кўркам ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириб бериши ҳиссаси эса йилдан-йилга ортқ бормоқда. 2007 йилда қўшма корхоналар томонидан 10,39 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани бунга далил бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

ҒАМХЎРЛИК ДАН МИННАТ ДОРМИЗ

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил ақуналари бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётида, умуман, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида рўй берган ўзгаришлар ва жараёнларга баҳо бераман, жумладан, чорвадорларнинг жорий йил қиш мавсумидаги шарафли меҳнати ҳақида алоҳида гапирдилар.

Бундан Томди тумани қорақўлчиларининг ҳам боши осмонга етди, уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилди.

Биласиз, Томди Қизилқум чўлининг шимолида жойлашган. Бу йилги қишда, айниқса, ана шу кенгликлардаги ёшанларни қалин қор қоплаб, кечалари совуқ забтига олмақда.

Шундай бир шароитда мавҳуд 281,3 миң бош кўй-кўзи, 1700 бош туя, 2600 бош йилқини парвариш-лаш осон эмас. Аммо туман чорвадорлари қишлоқда пухта ҳозирлик кўрган, давлатимиз томонидан биргина январь-февраль ойлари учун 880 тонна омихта ем, 360 тонна шелуха ажратилгани қишлоқни беталафот ўтказиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, биз шундай мураккаб кунларда бир қатор ҳимий ташкилотларнинг амалий кўмагини ҳам чуқур ҳис этиб турибмиз. Масалан, томдиллик чорвадорларга Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси томонидан 23 тонна ун, 8 тонна ўсимлик ёғи етказиб берилиб, улар иссиқ кийим-бош билан таъминланди. Бундай ғамхўрликлар ўз натижасини бермоқда: 2007 йил муваффақият-ли ақуналди. Ҳар 100 совлиқдан 137,5 бошдан, жами 181,3 миң бош кўзи олинди, уларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилди. Жаҳон мўйна бозоридида харидоригр бўлган 43,7 миң дона қорақўл тери сотилди. Пировадидида, 1 миллиард 175 миллион сўм соф фойда олинди.

Томдиллик чўпон-чўлиқлар айни кунларда қиш қийинчиликларини мардонавор енгиб, ақуналган йилда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида март ойининг иккинчи ярмида бошланмаж кўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Сирожиiddин СУЛЕЙМАНОВ, Томди тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи.



Бобокалонимизнинг таваллуд кунини кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. 9 февраль кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи адабиёт ихтисослари билан гавжум бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган тадбирда шоир ва ёзувчилар, олимлар, зиёлилар, талаба-ёшлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов шоирнинг асарлар оша яшаб келаётган боқий асарлари халқимиз маънавий меросининг узвий қисми эканлини таъкидлади. Мамлакатимизда буюк мутафаккир ижодини му-

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий мероси чуқур ўрганилиб, ундан халқимиз, айниқса, ёш авлодин баҳраманд этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

фасал тадқиқ этиш, асарларини нашр этиш давлатимизнинг доимий диққат-этиборида. Ўзбекистонда буюк шоирлар билан гавжум бўлиб ўтган тадбирда шоир ва ёзувчилар, олимлар, зиёлилар, талаба-ёшлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов шоирнинг асарлар оша яшаб келаётган боқий асарлари халқимиз маънавий меросининг узвий қисми эканлини таъкидлади. Мамлакатимизда буюк мутафаккир ижодини му-

тилада тўплам ҳолида Парижда нашр этилди.

Маросимда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Факултетида ва муқтор элчиси Сканд Ранджан Тайал, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Самарқанд давлат университетини профессор Мурадхон Эргашев Алишер Навоий мероси нафақат халқимиз, бутун башариётнинг бебаҳо маънавий мулкига айланганини қайд этдилар. Улуг мутафаккир ўз асарларида тараннум этган эзуғулар бугун инсониятни тинчликка, ҳамжихатликка даъват этиб келаётти.

Тадбирда буюк шоир асарларидан намуналар янгради. Алишер Навоий ёдгорлиги пойғига гуллар қўйилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Шу кунини пойтахтимиздаги Шоирлар ҳибонидида мушоира давом этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида шоир ғазаллари билан айтувчи кўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Улуг аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар юртимизнинг барча худудларида давом этмоқда.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири, Р. ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Маъмур қўмита раиси А. Саидов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари вакилининг (омбудсман) 2007 йилдаги фаолиятига оид масала муҳокама этилди. Вакил С. Рашидованинг шу ҳақдаги ҳисоботи тингланди. Йиғилишда омбудсман

институтини ўтган вақт давомида ўз фаолиятини мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида тўланган таърихдан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари

(Давоми 2-бетда).

Об-ҳаво қандай бўлади? (12-16 февраль)

Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун юртимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайдди. Айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 8-13, кундузи эса 0-5 даража атрофида совуқ бўлади.

13-15 февралда республикамизнинг баъзи худудларида вақти-вақти билан ёғимр ва қор ёғиши мумкин. 16 февралдан бошлаб эса ҳаво яна очилиб кетади. Фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим туманларида қор ёғиш эҳтимоли бор. Туман тушади.

Шамол ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. 13-14 февралда унинг тезлиги секундида 15-20 метргача етиши мумкин. Шу кунларда ҳарорат кечалари 2-7 даража совуқ, кундуз кунлари эса 2-7 даража илқ бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғли

худудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайдди. Фақат 13-15 февралда айрим жойларда қор ёғиши мумкин. Ҳарорат бугун кечаси 18-23, кундузи 7-12 даража совуқ бўлади. 13-16 февралда эса кечалари 5-10, кундуз кунлари 0-5 даража атрофида совуқ бўлиши кутилмоқда.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ўз зиммасига олди

Ўтган ҳафта Жазирининг гарбида саккиз нафар ҳарбий номаълум кимсалар томонидан ўлдирилган. Қуни кеча мажбуриятини «Ал-Қоида» гуруҳи ўз зиммасига олди, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.

Террорчи гуруҳ берган маълумотга кўра, ҳарбийларни ўлдиришдан мақсад ўз сафдошлари учун ўч олишдир. Бундан бир неча вақт илгари айнан шу ҳудудда «Ал-Қоида» аъзолари тўқнашув оқибатида ҳалок бўлган.

Айни пайтда мамлакат ҳарбийлари ўз ҳудудларини барча қўпуровчи гуруҳлардан «тозалаш» тадбирларини олиб бормоқда.

Шаҳзодалар хайрияси

Буюк Британия шаҳзодалари Уильям ва Гарри Африка ҳудуди бўйлаб 1600 километр масофани мотоциклда босиб ўтишга қарор қилди, деб хабар беради «The Daily Mail» нашри.

Шаҳзодаларнинг мажбуриятини ўзига хос саёҳатдан тушган маблағ ўзлари ташкил этган «Sentebale» хайрия жағма-синга ўтказилади. Маълумотларга кўра, бу пуллар Жанубий Африкада жойлашган Лесото қироллигидаги

Таклиф ўрганилмоқда

Март ойи ўрталарида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинежад Ироққа таширф буюриши мумкин. Бу ҳақда Эрон ташқи ишлари вазири Манушер Моттақи маълум қилди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги.

Вазирнинг сўзларига кўра, Ироқ тарафидан билдирилган таклиф айни дамда чуқур ўрганилмоқда.

Агар Аҳмадинежаднинг таширфи амалга ошса, бу 1979 йилдаги инқилобдан кейин Эрон тарихидаги илк сафар бўлади.

Кучли ёнғин оқибати

бу тарихий обида бузилган, дея хабар беради РИА «Новости».

Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг сўзларига кўра, дарвозанинг юқори қисми ёғочдан ясалган бўлиб, у ёниб қолган. Ҳозирча «тил-сиз ёв»нинг қиши сабаби ўрганилмоқда.

«Буюк гарб дарвозаси» номини олган мажбуриятини 1448 йилда бунёд этилган.

Қонун лойиҳаси тайёрланмоқда

Япония парламентининг бир гуруҳ депутатлари ўлим жазосини мораторий қилиш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлашмоқда. Бу ҳақда қуни кеча «Kyodo News» ахборот берди.

Мажбуриятини мувофиқ, тўрт йил мобайнида мамлакатда ўлим жазоси бир умрлик қамқоқ жазосига алмаштирилади.

Агарда бу қонун лойиҳаси парламент палаталари томонидан маъқулланса ҳамда мамлакат императори томонидан тасдиқланса, 2009 йилнинг март ойидан қуни кирди. Шундан кейин тўрт йил мобайнида мажбуриятини комиссия тузилиб, қонуннинг ижроси ва унинг самарасини назорат қилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

3000 доза икки валентлик, 5000 доза тўрт валентлик АСҲУ-135 менингококк вакцинаси, 8000 доза грипп вакцинаси харид қилишга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Таклифлар 2008 йил 25 февралгача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 160-18-58.

«РОУТАХТ АУКСИОН»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2008 йилнинг 14, 18, 25, 28 март кунлари аукцион савдоларини ўтказилади.

Очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, Заргарлик кўчаси, 2-уйда жойлашган, банкрот деб эълон қилинган «OSIYO-FOOD» ОАЖга тегишли мол-мулклар, шу жумладан, умумий майдони 1992,16 кв.м. бўлган маъмурий бино, умумий майдони 10917,9 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда «М.С. BRAIBANTI» Италия фирмасининг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик линияси ва «HEBENSTREET RAPIDO» Германия фирмасининг вафли ишлаб чиқариш линияси ва барча 67 номдаги мулклар мужассам ҳолда 4 526 700 000 сўм бошланғич нархи билан қўйилишини маълум қилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 12.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабдорлар объект бошланғич нархидан 10% миқдорда зақалат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУКнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Шайхонтоҳур филиалидаги фА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Маълумот учун телефонлар: 233-23-40, 233-23-49.

Давлат, ҳусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни харид қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- тикув буюмлари: ҳарбий хизматдан бўшаётганлар учун ёзги куртқа ва шимлар; ўлчами 60x60 см. бўлган, бўйинга ўраладиган «тоғ тоши», «қум» ва «соя» рангли рўмол; ўлчами 60x60 см. бўлган ёстиқ устки жилди; ўлчами 50x100 см. бўлган ип газлама катак-катак (вафельное) сочиқ;
- тикув-трикотаж буюмлари: ип газлама майкалар; ип газлама трусилар;
- 80%ли атир совун;
- бошқа буюмлар: белга тақиладиган чармли камар; ёвшан рангли кокарда.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 иш кунини давомида ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача (шанба ва яқшанбадан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг руҳсатномалар бериш хонасида қабул қилинади.

Тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш лозим: 100000, Тошкент шаҳри, академик Абдуллаев кўчаси, 100-уй.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

Буюмлар намуналари ва уларнинг сифат сертификатлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 иш кунини давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шоҳ Жаҳон кўчаси, 5-уй (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳудуди). Телефонлар: 253-64-71, 255-17-07 (ОКЭЦ ГУТ МО РУ).

Давлат, ҳусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2008 йил 11 февралдан 11 мартгача қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва ётказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

- бош кийимлар (муддатли хизматга чиқарилувчилар учун спорт кепкаси (жокейка); «тоғ тоши», «қум» ва «соя» рангли панамалар);
- тикув буюмлари (муддатли хизматга чиқарилувчилар учун спорт костюми; «тоғ тоши», «қум» ва «соя» рангли ёзги костюм; ёзги дала костюми (МПР);
- тикув-трикотаж буюмлари (ип газлама пайсқлар; ип газлама футболкалар);
- мажбуриятини кўриш кийимлари (кўнжи баланд ботинкалар; казарма тапочкалар; муддатли хизматга чиқарилувчилар учун спорт кроссовкалари);
- ётаржой буюмлари (ип газлама чайшаблар);
- гигиеник салфеткалар.

Тендер ҳужжатларини олиш учун 150 000 сўмни Тошкент шаҳридаги «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги: 20210000903962263002 ҳисоб рақамига, МФО 00444, ИНН 202692074 ўтказиш лозим.

Тендер таклифлари ва буюмлар намуналарини қабул қилишнинг сўнги муддати — 2008 йил 11 март кун соат 17.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

Давлат, ҳусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2008 йил 1 февралдан 29 февралгача қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тендер муддати узайтирилганлигини эълон қилади:

гречиха ёрмаси, гўшт ва сабзавот консервалари, балиқ консервалари, думба мойи, сигир сути, арпа ёрмаси, сули ёрмаси, оқланган тарик ёрмаси (пшено), буғдой ёрмаси.

Тендер ҳужжатларини олиш учун 100 000 сўмни Тошкент шаҳридаги «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги: 20210000903962263002 ҳисоб рақамига, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100 ўтказиш лозим.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги муддати — 2008 йил 29 февраль кун соат 17.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИДА ШАРТНОМА АСОСИДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

⇒ ТЕМИР ЮЗАСИГА БЎЁК СЕПУВЧИ
⇒ ТЕМИР ЮЗАСИНИ ҚУМ БИЛАН ТОЗАЛОВЧИ

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- ёши — 20 дан 50 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси
- 2 йилдан кам бўлмаслиги;
- рус тилини билиш шарт.

Зарурий ҳужжатлар:

- паспорт (асли) ва барча бетларининг 6 та нусхаси;
- ҳарбий гувоҳнома (асли) ва 1 та нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси (асли) ва барча бетлари 2 та нусхаси;
- 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
- конверт ва ҳужжатлар папкаси.

Меҳнат дафтарчаси ва диплом ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган бўлиши лозим. 1 ойлик иш вақти — 200 соат, 6 кунлик иш ҳафтаси, яқшанба — дам олиш кунини.

Барча мажбурий тўловлар олинган, 200 соатлик бир иш кунини 600 АКШ долларини миқдорда ойлик маош берилди. Кетиш харажатлари — 1 025 000 сўм ва 60 евро элчихона божидан иборат.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Коратощ кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона. Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG, Мебельлар дўкони орқасида. Маълумот учун телефонлар: 234-44-13, 227-08-78.

ЧИРОЙ ОЧГАН МАСКАН

Юқори Чирчиқ туманидаги дам олиш уйи тубдан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Унда мавжуд хоналар ҳамда спорт зали мижозлар дидига мос жиҳоз ва буюмлар билан безатилди. Муолажа хоналарига энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда компьютер техникалари ўрнатилди.

Муассасанинг қайта чирой очилиши маҳаллий ташкилот ва корхоналар қатори корейлик ишбилармонлар ҳам муносиб улуш қўшдилар. Ҳозир бу ерда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ўнлаб ҳамюртларимиз кўнглили хордиқ чиқариб, саломатликларини тикламоқдалар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этилади.

2008 йил 14 март кун соат 15.00 да «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қўйилмоқда:

1. Суд ижрочиларининг Қувасой шаҳар бўлими томонидан Фарғона вилояти ҳужалик судининг 2006 йил 9 мартдаги 15-06-06/381-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Қувасой шаҳри, «Дўстлик» МФЙ, Дўстлик кишлоғида жойлашган «Қувасойпарранда» АЖга қарашли трактор парки бино иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 67 423 218 сўм.
2. Суд ижрочиларининг Марғилон шаҳар бўлими томонидан нотариал идорасининг 2008 йил 23 январдаги ижро ёзувига асосан рўйхатга олинган, «Ўзметлукотчи» республика ассоциациясининг Марғилон қурилиш ишлаб чиқариш ва таъмирлаш шўба корхонасига қарашли, Марғилон шаҳри, Саккокий кўчаси, 6-уйда жойлашган бино иншоотлари (001, 0006, 0013, 0017, 0019-литерлар). Бошланғич баҳоси — 50 882 544 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 7 март кундаги аукцион савдоларига қуйидаги мулк чиқарилмоқда:

Суд ижрочиларининг Қўқон шаҳар бўлими томонидан Фарғона вилояти ҳужалик судининг 2003 йил 9 октябрдаги 15-03-06/3019-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, «218-КМК» МЧЖга қарашли Учқўприк тумани, «Кенагас» ҚФЙ, Какир саноат зонасида жойлашган маъмурий бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 46 780 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида зақалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000304234776002 АТ «Ипотекабанк»и Фарғона филиали, МФО 00544.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланғичдан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.

Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.

ПОЧТА МАРКАЛАРИНИ ТўПЛОВЧИ ИШКИБОЗЛАР ВА ФИЛАТЕЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк шоири, давлат арбоби, истеъдодли саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

томонидан почта маркалари тўплами ва шу билан бирга почта мажбуриятини сўндириш хотира тамғаси ишлаб чиқарилди.

Ушбу почта маркаларининг тақдими ва почта мажбуриятини сўндириш хотира тамғаси билан маркаларни мажбуриятини сўндириш тадбири 2008 йил 14 февраль кун соат 10.00 да «Тошкент почтамати» биносида (Шахрисабз кўчаси, 7-уй) ўтказилади.

Внимание государственных и частных клиник!

FPI DELIVERY SERVICE

ООО «FPI Delivery Servis» принимает заказы на поставку медицинского, диагностического и лабораторного оборудования, инструментов, реагентов, расходных материалов, одноразовых бахил и халатов.

А также оказывает сервисное обслуживание. Доступные цены и высокое качество гарантируем.

Телефон (+99871) 234-35-71. Факс 234-62-45.

ЛУКОЙЛ

надежность в любых условиях

Реализация со склада в Ташкенте фасованных моторных масел.

Тел.: 140-04-25 140-04-26

Тошкент шаҳар Юнусовод туманидаги «PPI-AAU» масъулияти чекланган жамияти ўз Низом жағма-сини 49763,31 АКШ долларидан 34279,61 АКШ долларига қамайтирди. Маълумот учун телефон: 221-03-40.

